



ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Рейимбаев А.Қ.
Нукус, Ўзбекистон

ҚДУ Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси ассистенти
Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети

e-mail: reyimbaev0777@gmail.com

+99891 3880777

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг моҳиятини тўғри тушуниш, мазкур тушунчанинг мазмуни билан камраб олинadиган ҳаракатларнинг хусусиятини аниқ тасаввур қилиш жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун, бинобарин, қонунийликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг юридик табиатини аниқлашдаги қийинчиликлар шу билан белгиланадики, айрим ҳолларда у жиноятга ёрдамчиликнинг тури сифатида амал қилади, иштирокчиликни ҳосил қилади, баъзи ҳолларда эса мустақил жиноят ҳисобланади.

Вазифаси доирасига кирмаса ҳам, ҳар бир фуқарога жиноятнинг олдини олиш бурчи юклатилган. Агар фуқаро ўзига нисбатан юклатилган ана шу бурчини бажармаса ва содир этилган қилмиш оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, фуқаро Жиноят кодекснинг 155¹ ва 241-моддаларида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамият ҳаётидаги туб ўзгаришлар, кескин бурилишлар одатда жиноятчилик, айниқса, унинг энг хавфли кўринишларининг кўпайишини кўрсатмоқда. Жиноятчилик – доимо ўзгариб турадиган ва ривожланадиган ҳодисадир. Жиноятчиликнинг айрим турлари, гуруҳларига юксак даражадаги жипслик, жиноятчилик ичидаги ва давлат ичидаги вертикал ва горизантал алоқаларнинг турғунлиги хосдир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жавобгарлик масалалари шулар жумласига киради. Мазкур жиноят таркибининг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, у жиноятчининг жиноят изларини яшириш ва қилмиш учун жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш йўлидаги ҳаракатларига имконият яратади ва фаол ёрдам беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ишини оғирлаштиради, жиноятни очиш, жиноятчиларни аниқлаш ва фош қилишни қийинлаштиради, буларнинг барчаси кейинчалик латент (яширин) жиноятчиликнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Юқорида зикр этилган ҳолатлар пировард натижада жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода қарайдиган бўлсак, “жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органларининг амалдаги саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Уни таъминлаш жинойatchиликнинг ҳақиқий ҳолатини ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи амалда эришган натижаларни билишни тақозо қилади” [1].

Ва, ушбу аснода чет эл тажрибасини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизнинг яқин келажакдаги социалистик ўтмишини ҳисобга олганда, ривожланаётган Хитой тажрибаси фойдали бўлиши мумкин, чунки Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари ривожланган капитализм ва постиндустриал жамият (Япония), ҳам социализмнинг замонавий модели (Хитой) шароитларида жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш борасида бой ва ранг-баранг тажриба тўплаган.

Япония ЖКнинг “Жиноятчини яшириш ва далилларни йўқ қилишдан иборат бўлган жиноятлар” деб номланувчи 7-боби “Жиноятлар” деб номланган 103-моддаси (жинойatchини яшириш) 2-қисмида назарда тутилган бўлиб [2], унда жарима ёки оғирроқ жазога сабаб бўладиган жиноятни (жинойatchи қилмишни) содир этган ёки қамокдан қочган шахсни яширган ёки уларга яширинишда кўмаклашган шахс икки йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланиши белгиланган. Кодекснинг 104-моддаси (далилларни йўқ қилиб ташлаш)да қуйидаги қоида мустаҳкамланган: “Бошқа шахснинг жиноят иши бўйича далилни йўқ қилиб ташлаган, сохталаштирган ёки ўзгартирган ёхуд сохталаштирган ёки ўзгартирилган далилдан фойдаланган шахс икки йилгача мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади” [2]. 105-моддада жиноятчи ёки қочоқнинг юқорида зикр этилган икки моддада назарда тутилган жиноятни мазкур шахсларнинг манфаатларида содир этган қариндошларига нисбатан алоҳида қоидалар белгиланган. Бу шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинишлари мумкин. Бундан ташқари, “Ўғирланган нарсаларга доир жиноятлар” деб номланган 39-бобдан ўрин олган 256-модда (ўғирланган нарсаларни қабул қилиш, ташиш, сақлаш, сотиб олиш ва уларга нисбатан воситачилик қилиш)да ўғирланган нарсаларни қабул қилувчи шахснинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур қилмиш учун айбдор шахс уч йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўғирланган нарсаларни ташиш, сақлаш, сотиб олиш ва уларга нисбатан воситачилик қилишда айбдор деб эътироф этилган шахслар ўн йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади. 257-модда (қариндошлар ўртасидаги жиноят)да жиноят туғишган қариндош, эр (хотин), биргаликда яшайдиган қариндош ёки бундай қариндошлардан бирининг эри (хотини) томонидан содир этилган ҳолда жазодан озод қилиш шартлари белгиланган. Бажарувчининг қариндоши ҳисобланмаган иштирокчига нисбатан бундан олдинги қисмнинг нормаси татбиқ этилмаслиги айтиб қўйилган [2].

Япония ЖКдаги иштирокчилик акцессор назарияси асосида шакллантирилган бўлиб, унинг 63-моддасига кўра, “ёрдамчига тайинланадиган жазо бажарувчига тайинланадиган жазога мос равишда енгиллаштирилади” [2]. Бу қоида анча муҳим аҳамиятга эга, чунки Франция ЖК сингари, Япония ЖКда ҳам жиноятни яшириш олдиндан ваъда қилиш ва олдиндан ваъда қилинмаган ҳолатлар

ажратилмайди. Айни вақтда, Япония ЖК 64-моддасида далолатчи ёки ёрдамчи қамоқ ёки кичик жарима тарзидаги жазо тайинланиши лозим бўлган жиноятлар, агар бу ҳақда махсус қоидалар мавжуд бўлмаса, жазоланмаслиги қайд этилган.

Албатта, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жавобгарликни назарда тутувчи норманинг вазифаси эса, бир гуруҳ бўлиб ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга, шу билан биргаликда айнан латент жиноятлар сонини камайтиришга кўмаклашишдан иборат.

Жиноятни яширишнинг объектив томони ХХР ЖКда анча муфассал тавсифланган: “Жиноят содир этгани аён бўлган шахсга бошпана, молиявий ёрдам бериш, қочишда кўмаклашиш, сохта кўрсатувлар бериш йўли билан уни ҳимоя қилиш” уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, қисқа муддатли қамоқ ёки назорат остига олиш билан жазоланади; жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тақдирда, уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур кодекснинг 312-моддасида жиноий йўл билан қўлга киритилгани аён бўлган мулкни яшириш, ташиш, сотиб олиш ёки сотишда воситачилик қилиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, мазкур қилмишлар уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, қисқа муддатли қамоқ, назорат остига олиш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ёки мустақил жазо сифатида, жарима билан жазоланади [3].

ХХР ЖК 269-моддасига кўра [3], ўғирланган мулкни яшириш мақсадида ўғрилиқ, мол-мулкни фирибгарлик ёки талончилик йўли билан эгаллаш, қамоққа олишга қаршилиқ кўрсатиш ёки жиноят далиллари йўқ қилиб ташлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва жарима билан жазоланади; айни шу қилмиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган бўлса (турар жойга бостириб кириб содир этилган талончилик; жамоат транспорт воситаларида, банк ёки бошқа молия муассасаларида талончилик; талончиликни такроран ёки кўп миқдорда содир этиш; жабрланувчининг жароҳатланиши ёки ўлишига олиб келган талончилик; милиция ёки полиция ниқоби остида содир этилган талончилик; қуролли талончилик; армияга, тезкор чоралар кўриш хизматларига, ўт ўчириш ва қутқариш хизматларига қарашли бўлган моддий бойликларни талон-торож қилиш) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш, муддатсиз озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси, шунингдек жарима ёки мол-мулкни мусодара қилиш билан жазоланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Лунеев В.В. Объективизация криминологических показателей в системе контроля над преступностью. – М., 1996. – С. 42.
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Penal_Code_of_Japan
3. http://ru.china-embassy.gov.cn/rus/zfhz/zgflyd/201601/t20160111_3149373.htm